

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ МОЛИЯСИНИНГ МУДРАБА МАҲСУЛОТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11399160>

Давлатова Ситорабону Уйғун қизи,
Тошкент Кимё халқаро университети
«Банк иши ва бухгалтерия ҳисоби» кафедраси
ўқитувчиси

Аннотация: ушбу тезисда исломий молия инструментларидан бири бўлган мудораба шартномасининг аҳамияти, унинг Ўзбекистонда жорий этиши билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: Ислом банки, рибо, мудораба, мудариб, рабб ул-мол

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда аҳоли камбағаллигини камайтириш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун йирик ҳажмда молиявий маблағлар зарур. Чунки кўпчилик одамлар тадбиркорликни бошлаши учун молиявий ресурси етмайди ёки умуман мавжуд эмас. Аммо улар маълум касбга, ҳунарга ёки кичик бизнес амалга ошириш ғоясига эга. Уларни молиялаштириш учун анъанавий тижорат банклари таъминот талаб қилади. Ёки ижтимоий дастурлар орқали уларни имтиёзли равишда молиялаштиришга молиявий ресурслар етмайди. Ушбу муаммоларни ечишда ислом молиясининг мудораба шартномасида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, бу мамлакатимиз аҳолисининг 93 фоизидан ортиқ бўлган одамларнинг эътиқодига ҳам мос келади.

“Мудораба” шерикчиликнинг махсус тури бўлиб, унда бир шерик иккинчи томоннинг тижоратига сармоя киритиш мақсадида пул бериб шерикчилик қилади. Сармоя киритиш “рабб ул-мол” деб аталувчи биринчи шерик томонидан амалга оширилса, иш юритиш “мудариб” деб аталувчи иккинчи томоннинг мажбурияти ҳисобланади. Демак, банк лойиҳани тўлиқ молиялаштирувчи бўлса, тадбиркор лойиҳани бевосита амалга оширувчи ҳисобланади.

Мудораба асосида молиялаштирилган бизнес лойиҳа натижасида олинган фойда ҳамкорлар ўртасида тузилган шартнома асосида тақсимланади. Ва, аксинча, зарар кўрилганда сармоядор (“рабб ул-мол”) сармоясига, тадбиркор (“мудариб”) қилган меҳнатига ва вақтига кўяди.

Мавзуга оид мавжуд муаммолар: 2020 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожлантириш Дастури доирасида “Ўзбекистонда ислом молияси маҳсулотларини тадбиқ қилиш ва қўллаш” масаласига бағишланган тадқиқот ўтказилди. Ушбу тадқиқот натижаларига асосан, тижорат банклари асосий респондентлардан бири сифатида танлаб олиниб, улар томонидан Ўзбекистонда ислом банкчилигини жорий этишдаги энг катта тўсиқлар ва муаммолар юзасидан берилган саволга қуйидагича жавоблар берилди:

- ислом молия маҳсулотлари ва хизматларини тартибга солувчи қонунларнинг йўқлиги, амалдаги банк фаолияти ва солиқ бўйича қонунчилик ислом ҳуқуқи тамойиллари асосида ишлайдиган банклар учун мос эмаслиги;

- ислом молияси ва банкчилиги бўйича мутахассисларнинг етишмаслиги;

- аҳолининг ислом молияси бўйича билим ва тушунчаларга эга эмаслиги.

Булар мамлакатимизда бошқа исломий молия хизматлари билан бирга мудораба маҳсулотлари жотий этиш имкониятини бермайди.

Муаммони ҳал қилиш усуллари: Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунларга, Фуқаролик в Солиқ Кодексларига ислом молияси ва банкчилигига доир тушунчаларни ва фаолиятни ишлаши учун имкон берувчи ўзгартиришлар киритиш лозим.

Мамлакатимиз университетларида ислом молияси бўйича ихтисослик йўналишларини ташкил этиш лозим. Ислам дарчаларини очмоқчи бўлган банклари хориждан мутахассисларни жалб қилиб, ходимлари учун ислом молияси бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил қилиши керак.

Шунинг, ислом молияси бўйича аҳоли саводхонлигини ошириш учун ислом молия дарчаларини очмоқчи бўлган тижорат банклари мутахассисларни жалб қилган ҳолда қисқа муддатли онлайн ва оффлайн курсларни ташкил этиши лозим. Ушбу курсларда мудораба шартномасини аҳамияти, уни тузиш тартиби содда қилиб тушинтирилиши лозим.

Илмий асосланган таклиф ва тавсиялар:

1. Мамлакатимизда ислом молияси, хусусан, мудорабани жорий қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш лозим.
2. Республикаимизда ислом молияси бўйича мутахассисларни тайёрлашни тез йўлга қўйиш керак.
3. Мамлакатимиз аҳолисини ислом молияси бўйича молиявий саводхонлигини ошириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2021-йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, www.president.uz
2. Байдаулет Й.А. Ислomий молия асослари. – Тошкент: Ўзбекистон 2019. – 529 б.
3. Беккин Р.И. Ислom иқтисодий модели ва замон. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 360 б.
4. “Тафсири Ҳилол”, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, “Ҳилол Нашр”, 2017 й.-610 б.
5. www.idb.org (Ислom тараққиёт банки расмий сайти)
6. www.icd.org (Хусусий секторни ривожлантириш Ислom Корпоратсияси расмий сайти)
7. www.islommoliyasi.uz